

## ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ГИДРОНИМЛАРИ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

**Вазира Тўраевна НАФАСОВА**

катта ўқитувчи

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Қарши давлат унверситети

Қарши, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада Жанубий Ўзбекистон гидронимларини тадқиқ этишнинг илмий асослари келтирилган. Оқ ва қора лексемали гидронимларнинг қўлланиши, маънолари таҳлилга тортилган. Шунингдек, сув индикаторли гидронимлар хусусида ҳам айрим фикрлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** гидроним, гидронимия, гидронимика, топоним, гидронимик индикатор, терминоэлемент.

## ГИДРОНИМЫ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА В КАЧЕСТВЕ ОБЪЕКТА ИССЛЕДОВАНИЯ

**Вазира Тураевна НАФАСОВА**

старший преподаватель

доктор философии по (PhD) филологическим наукам

Каршинский государственный университет

Карши, Узбекистан

### Аннотация

В статье приведены научные факты исследования гидронимов Южного Узбекистана. Анализированы употребление и значение гидронимов с лексемами "ок" и "кора". Также высказаны мнения о гидронимах индикатором "сув".

**Ключевые слова:** гидроним, гидронимия, гидронимика, топоним, гидронимический индикатор, терминоэлемент.

Ўзбек тилшунослигида Жанубий Ўзбекистон гидронимлари тадқиқот объекти сифатида монографик режада махсус ўрганилмаган, унинг объекти ва маъно кўлами белгиланмаган. Шу сабабли ушбу мавзунинг ўрганилиши номшунослик ва тарихшунослик, тил илми ва тил тарихи, халқ тарихи ва халқ географияси учун муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур региондаги гидронимларни илмий асосда ўрганиш жараёнида *гидроним*, *гидронимика*, *гидронимия* терминлари ва улар англатган маънолари, терминларнинг қайси тил ва соҳага мансублиги, объекти, уларнинг умумий ва

хусусий, фарқли ва муштарак жиҳатлари ҳақида илмий изланиш олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Лингвистик луғатларда *гидроним* юнонча *hudos* – сув, *онома* – ном, яъни сувликдаги ҳар қандай табиий ва сунъий объектларнинг атоқли отидир [5;48] дейилган.

Гидроним ҳақида фикр юритганда, албатта, бу термин таркибидаги халқаро терминоэлемент *гидро* ва унинг терминлар ясашдаги ўрни хусусида фикр юритиш лозим. Ономастик, қолаверса, топонимик тадқиқотларда бу терминоэлемент ҳақида асосли бирор фикрни учратмадик. Шу сабабли бу терминоэлемент хусусида фикр юритиш мақсадга мувофиқ ва фойдадан холи бўлмайди.

*Гидро...* [юн.*hudos*–сув] – ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг сувга, сув ҳавзаларига алоқадорлигини билдиради. Масалан, *гидравлика*, *гидремия*, *гидроакустика*, *гидрогеология*, *гидродинамика*, *гидрокимё*, *гидролокация*, *гидромания*, *гидрометрия*, *гидростат*, *гидрохория* каби. *Гидробиология* [гидро...+биология] – биологиянинг сувда яшовчи организмлар ва уларнинг яшаш шароити билан ўзаро муносабатларини ўрганувчи бўлими; *гидрография* [гидро...+...графия] – гидрологиянинг қуруқликдаги сув объектлари (ҳавзалари)ни ўрганадиган бўлими; *гидролиз* [гидро...+...лиз] – моддалар билан сув ўртасида ўзаро таъсир натижасида турли бирикмалар ҳосил бўлиши; гидрология [гидро...+...логия] – табиатдаги барча сувларни, уларнинг жойлашиши, хусусиятлари, ўзаро ва табиий атроф-муҳит таъсирида рўй берадиган ҳодисалар ҳамда жараёнлар қонуниятларини ўрганадиган фан; *гидронефроз* [гидро...+ нефроз] – буйрак истисқоси; асосан, буйрак жоми ва косачаларининг кенгайиб бориши натижасида буйрак ўлчамининг катталашавериши билан намоён бўлади; *гидросамолёт* [гидро...+самолёт] – сувдан кўтарилишга, сувга қўнишга ва сувда сузишга мосланган самолёт; гидротерапия [гидро...+...терапия] – сув билан даволаш; турли хил даволаш мақсадларида сувдан фойдаланиш; *гидрофилия* [гидро...+...филия] – 1) баъзи сув ўсимликларининг сув ёрдамида

четдан чангланиши; 2) организм тўқималарининг сув ажралиб чиқишига тўсқинлик қилиб, уни тутиб, сақлаб туриш қобилияти; *гидрофитлар* [гидро...+...фит] – сувда ўсадиган ўсимликлар; *гидрофоб* [гидро...+...фоб]; гидрофоб ўсимликлар – сувга чидамсиз, сувёқмас, сернам жойда ўса олмайдиган ўсимликлар; *гидрофон*[гидро...+ ...фон] – сувда тарқалаётган ёки пайдо бўлаётган товуш тўлқинларини қабул қилиб оладиган асбоб [2;58-59].

Кўринадики, ушбу матнда луғат тузувчилар негадир гидроним терминига изоҳ беришмаган. Аммо *гидро...* терминоэлементи юнонча бўлиб, ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб келиши ва шу сўзларнинг сувга, сув ҳавзаларига алоқадорлигини билдиришини алоҳида таъкидлашган.

*Гидронимика* – топонимиканинг сув объектларига дахлдор атоқли отларини ўрганувчи бўлими ёки бир тармоғи, топонимика эса ономастиканинг бир бўлими. Ҳозирги давр тилшунослигида гидроним маълум бир сув объектининг махсус номи, *гидронимия* бирор тилда мавжуд бўлган гидронимлар мажмуи, бойлик [1;25] ҳисобланади.

Энди гидронимлар ясалишида иштирок этувчи баъзи бир гидроиндикаторларнинг лингвистик ва экстралингвистик омиллари хусусида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Аёнки, сув – инсоният тараққиётида катта роль ўйнайди. Сув – ҳаёт манбаи мақоли бежиз яратилмаган. Инсоният сув манбалари атрофида яшашга, сувдан фойдаланиб турмуш тарзини яхшилашга интилган. Шунинг учун ибтидоий инсон манзиллари сув манбалари атрофида бунёд этилган. Йирик дарёлар, кўл, жилға, сойлар чорвадорлар ва деҳқонлар учун ўтроқ ва кўчманчи тарзда ҳаёт кечириш учун манзил-маскан вазифасини бажарган, йирик аҳоли пунктлари – шаҳар, қишлоқ, кўрғонлар дарё бўйларида қурилган. Ана шу ижтимоий-табиий зарурат тақозоси сифатида кишилар сув объектларини бир-биридан фарқлаб уларни махсус номлар билан атаганлар.

Гидронимлар топонимларнинг бошқа типлари ойконимлар ва оронимларга нисбатан қадимгидир. *Қашқадарё*, *Сурхондарё*, *Амударё*, *Сирдарё* гидронимларининг қачон, ким томонидан яратилганлиги номаълум.

Аммо бундай номлар Ўзбекистонда кам, чунки бундай йирик сув манбаларининг ўзи оз. Шунга қарамасдан *Зарафишон, Норин, Қорадарё, Оқдарё, Танқас, Тўполон, Сангардак, Сиёб, Сурхоб, Санзор, Жиннидарё, Турнадарё, Қизилсув, Рудаксой, Қалқамадарё, Пачкамардарё* каби дарё номларининг маъноси, қандай сўз ва аффикслардан таркиб топгани, нега шундай аталганлиги ҳаммага тушунарли эмас.

Профессор Т.Нафасов ва тадқиқотчи Ш.Нафасовлар оқ ва қора лексемали гидронимлар ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни ёзадилар: “Оқдарё, Оқсув ва Қорасув, Қорадарё, Қорабулоқ сўзларининг маъноси аниқдек туюлади. Ҳозирги тилимиздаги оқ-қора сифатлари *сув, дарё, булоқ* сўзларининг қўшилмасидан тузилган, сувининг рангига асосланиб шундай номланган дейиш топонимика учун хатодир. Оқ ва қора сўзлари гидронимияда ўзига хос маънога эга. Адабий тилдаги маъносидан бу маънолар тамоман бошқача. Хуллас, гидроним таркибидаги сўзларнинг маъносини аниқлашда, морфема таркибини белгилашда тилнинг ҳозирги ҳолатини эмас, ўтмишини асос қилиб олиш лозим” [3;93-96], [4;89-91].

Жанубий Ўзбекистоннинг тоғли, тоғолди ва бошқа айрим худудларида *оқ, қора* лексемали дарё, жилға, сой, булоқ, оқарсув, кудуқ номлари мавжуд:

1. Оқ лексемали гидронимлар: *Оқдарё* (Китоб т.), *Оқсув* (Олтинсой т.), *Оқбулоқ* (Музработ т.), *Оқсой* (Бойсун т.), *Оққўл* (Қамаши т.), *Оқдахна* (Дехқонобод т.), *Оқнов* (Чироқчи т.), *Оққудуқ* (Косон т.), *Оқгалтак* (Дехқонобод т.).

2. Қора лексемали гидронимлар: *Қораариқ* (Шўрчи т.), *Қорадарё* (Шаҳрисабз т.), *Қорасув*, *Қорабулоқ* (Қамаши т.), *Қорақудуқ* (Чироқчи т.), *Қоратут* (Китоб т.), *Қорадахна* (Дехқонобод т.) каби.

Оқ-қора компонентли гидронимларнинг семантикасига доир қуйидаги қиёсга эътибор беринг: *Оқсув, Оқдарё, Оқбулоқ, Оққудуқ, Оқсой, Оққўл, Оқдахна, Оқнов, Қорасув, Қорадарё, Қорабулоқ, Қорадахна, Қорақудуқ*. Айнан қиёсланганда: *Оқсув, Қорасув, Оқдарё, Қорадарё, Оқбулоқ, Қорабулоқ*. Фақат *сой, нов* индикаторли гидронимларнинг *қора* компонентли жуфти, қиёси йўқ.

*Булоқ, сув, дарё, кўл, даҳна, қудуқ* индикаторларининг оқ-қора сўзли жуфти, қиёси бор.

Гидронимик изоҳлар диахронияга асосланиши лозим. Қиёсий-тарихий метод гидронимларнинг лингвистик табиатини изоҳлашнинг бирдан-бир йўлидир. Бу ўринда экстралингвистик факторлар, гидронимик номинация принциплари инобатга олиниши зарур.

Жанубий Ўзбекистон гидронимлариинг сўнги компоненти сув объектини билдирувчи қуйидаги индикаторлар воситасида ясалган: *Қорадарё, Янгиариқ, Узунқудуқ, Даштқоқ, Каттачаиша, Қизбанди, Бешдарак, Узунишувар*. Гидронимларнинг семантикасини, сув объектларининг номланиш принципларини белгилашда биринчи компонентининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини тадқиқ этиш лозим. Шундай қилинса, гидронимларнинг маъно ва структурал хусусиятлари тўла очиб берилади. *Сув, дарё* сўзлари гидронимияда бир объектни билдиради, яъни ўзани маълум масофага чўзилган, сувининг миқдори барча сув манбаларидан кўплиги билан фарқланадиган табиий сув манбаси ва ўзани демакдир. *Сув* – туркий, *дарё* форс-тожикча сўз. Сув сўзига нисбатан дарё сўзининг терминлик хусусияти ва функцияси кучлироқ. Бу икки индикатор билан бирикиб гидроним ясалганда *оқ, қора* сўзларининг ранг маъноси сезилмайди. *Оқ, қора* сўзлари сувларнинг миқдори, тўйиниш манбаси характери, оқиш тезлиги каби хусусиятлар ҳисобга олинади. Сувнинг ранги, кўриниши ҳам маълум даражада кўзда тутилади. Оқ компонентли гидронимлар маъносига эътибор қаратилса, бундай сувли дарёлар тез оқиши, ранги оқиш бўлиши, ёзда суви кўпайиши аён бўлади. Демак, оқ сўзида сувнинг ҳаракати (оқмоқ феълининг асоси), тезкорлиги (оқиш тезлиги), миқдорий (сувининг ёзда кўпайиши) белгиларига асосланган маъно қирралари (семалар) намоёндыр. *Оқсув* – қор сувларининг эришидан ҳосил бўлган сув, оқар сув. *Оқдарё* – қор сувларидан ҳосил бўлган дарё, оқар сувли дарё.

*Қорасув, Қорадарё* – ер ости сувлари, булоқлардан ҳосил бўлган дарё, сув ўзани. Уларнинг оқим ўзани қисқа, суви кам бўлади, ёзда қуриб қолиши кутилади, сувининг ранги зангори, ҳаворанг.

*Оқбулоқ* – суви кўп булоқ, қайнаб чиққан сувли булоқ, *Қорабулоқ* – бир неча булоқларнинг суви йиғилишидан ҳосил бўлган сув манбаси. *Қорақудук* – оз сувли, суви тез камайиб қоладиган қудук. *Оқдаҳна* суви кўп, тоғ дарёсининг тор жойи. *Қорадаҳна* – булоқ, ер ости сувларидан йиғилган жилға, кичик дарёнинг сеҳрли жойи. *Оққўл* – кўп сувли жилға, тоғ бағридаги сув миқдори нисбатан мўл жилға. *Қорангқўл* (аслида *Қоракўл*) – булоқ, ер ости сувларидан ҳосил бўлган жилға. *Оқсой* (Чироқчи, Тарағай қ.) – қор суви билан тўйинганлиги учун суви қуримайдиган сой, жилға. *Оқнов* (Чироқчи, Тарағай қ.) – доимо оқадиган кичик сой, жилға.

Гидронимларнинг морфологик хусусиятлари ҳам ранг-баранг. Улар туркум жиҳатидан от (*ариқ, булоқ*), сифат (*оқ, қора, катта*) сон (*уч, беш*), нумератив (*як, қўш, гала*)лар гидронимларни шакллантиради. Сўз туркумларининг иштироки бир хил эмас. От ва сифат гидронимларда энг фаол сўзлардир. Зеро, энг қадимий номлар фақат от туркумига мансубдир. Сифатларнинг қўшилиши нисбатан кейинги даврларга тегишли. Чунки бир тилдаги сув объектлари ибтидоий шароитда *қудук, сув, дарё, об, ариқ, кўл, ҳовуз, қўл* каби индикаторлар билан аталган: *Қудук, Дарё, Об, Ариқ, Ҳовуз, Кўл, Сув* объектларининг ўзаро нисбатланиши, бири иккинчисидан дифференциалланиши натижасида уларга турли белги билдирувчи сўзлар (сифатлар, баъзан сифат функциясини бажарувчи отлар, сонлар, нумеративлар) қўшилган: *Янгиариқ, Оқдарё, Оқсув, Қорадарё, Қорабулоқ, Учариқ, Бешдарак, Урғул (Эгри гул), Тошҳовуз, Сарҳовуз*.

Гидронимик индикаторлар ўзбек, тожик, араб тилларига мансуб: *дарё, об, сув, ариқ, кўл, ҳовуз, чашма, шох, дарак, банд, сувлот, қудук, ёрма, сув омбори, сой, нова, нов, жўй, қоқ, жилға, даҳана, обгоҳ, чоҳ, сардоба, кориз*. Индикаторлар ҳар бирининг гидронимлар шаклланишида частотаси ва ўрни турлича.

Хуллас, Жанубий Ўзбекистон гидронимларини тадқиқот объекти сифатида танланиши ва уни тадқиқ этишнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагича:

Биринчидан, жаҳон тилшунослиги, туркийшунослик, ўзбек тилшунослигида гидронимларнинг ўрганилиш даражасини чуқур таҳлил этиш.

Иккинчидан, Жанубий Ўзбекистон гидронимларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ишончли тарихий, археологик, географик, лингвистик, этнографик, этнологик каби ёзма манбалар воситасида таҳлил қилиш.

Учинчидан, турли фан соҳаларидаги ёзма манбалардан ҳамда оғзаки ва ёзма сўровномалар воситасида тўпланган, картотекалаштирилган Жанубий Ўзбекистон гидронимларининг лексик-семантик, структур-грамматик, ясаиш хусусиятлари, таснифи ва таҳлилини ишлаб чиқиш.

Тўртинчидан, Жанубий Ўзбекистон гидронимларининг антропоцентрик тадқиқида сув объектларининг мотивланиши, номланиши ва унда инсон омили ҳақида фикр юритиш ҳамда гидронимларнинг социолингвистик, прагматик ва лингвокультурологик хусусиятларини тилшуносликнинг замонавий усуллари асосида тадқиқ этиш.

Бешинчидан, гидронимларнинг тараққиёт манбалари, этимологиясига эътибор қаратиб, гидронимларда луғавий қатлам тушунчаси, гидронимларнинг ўз ва ўзлашма қатламлари, этимологик таҳлилини тил қонуниятлари ва ишончли манбалар асосида ўрганишдан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш ўринлики, гидронимлар тадқиқот объекти сифатида танланганда маълум бир ҳудуд (жанубий вилоятлар: Қашқадарё, Сурхондарё) ёки тилга (ўзбек тилига) мансублиги кўзда тутилади. Сув объектларининг номланиш принциплари, гидронимларнинг яратилиши ва тилда яшаши, тарихи, келиб чиқиши каби экстралингвистик далиллар тадқиқот учун асосий материал вазифасини ўтай олади.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган: Наманган, 2006. – 104 б.
2. Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Мираҳмедова З., Саиднўъмонов А. Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати. –Тошкент: Донишманд зиёси, 2020. – 280 б.
3. Нафасов Т. Оқ сўзли гидронимлар // Тил ва адабиёт таълими – Тошкент, 2011. – № 8. – Б.93-96.
4. Нафасов Ш. Оқ, қора лексемали гидронимлар //Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2007. – Б. 89-91.
5. Подольская Н. В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1988. – 192 с.